

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ФАЛСАФА ДОКТОРИ ИЛМий ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ  
PhD.29.08.2017.FM02.04 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**РЎЗИМУРОДОВ ЖАЛОЛ ТЎРАБЕКОВИЧ**

**МАРГАНЕЦ БИЛАН ИОНЛИ ИМПЛАНТАЦИЯЛАНГАН  
КРЕМНИЙНИНГ МАГНИТ ВА ТРАНСПОРТ ХОССАЛАРИ**

**01.04.09 – Магнит ходисалари физикаси**

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд - 2018**

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
физика-математическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
physical-mathematical sciences**

**Рўзимуродов Жалол Тўрабекович**

Марганец билан ионли имплантацияланган кремнийнинг магнит  
ва транспорт хоссалари ..... 3

**Рузимуродов Жалол Турабекович**

Магнитные и транспортные свойства кремния ионно  
имплантированного марганцем ..... 21

**Ruzimurodov Jalol Turabekovich**

Magnetics and transport properties ion implantation silicon with  
manganese ..... 37

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of publications ..... 41

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ФАЛСАФА ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ  
PhD.29.08.2017.FM02.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**РЎЗИМУРОДОВ ЖАЛОЛ ТЎРАБЕКОВИЧ**

**МАРГАНЕЦ БИЛАН ИОНЛИ ИМПЛАНТАЦИЯЛАНГАН  
КРЕМНИЙНИНГ МАГНИТ ВА ТРАНСПОРТ ХОССАЛАРИ**

**01.04.09 – Магнит ҳодисалари физикаси (физика-математика фанлари)**

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд- 2018**

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № ВМ2017.2.PhD/FM75 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида samdu.uz ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида(www.ziyo.net.uz) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Қувондиқов Облокул**

физика-математика фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Муқимов Комил Муқимович**

физика-математика фанлари доктори, академик

**Ўсаров Ўктам Туратович**

физика-математика фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент давлат техника университети**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги PhD.29.08.2017.FM02.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (99866) 239-13-87, 239-11-40; факс: (99866) 239-11-40; e-mail: rektor@samdu.uz Самарқанд давлат университети Физика факультети, 1-қават, 63-хона).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№\_\_\_-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (99866) 239-13-87, 239-11-40; факс: (99866) 239-11-40.

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди. (2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_-рақамли реестр баённомаси).

**Ашуров Мухсинжон Хуррамович**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, ф-м.ф.д., академик

**Ражабов Рустам Мустафоевич**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, ф-м.ф.н.

**Семенов Денис Иванович**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф-м.ф.д

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда бугунги кундаги интенсив техник тараққиёт катта ҳажмдаги ахборотларни юқори тезликда узатиш, сақлаш ва қайта ишлашга имкон берувчи янги техник воситаларни талаб қилмоқда. Бу талабларни қондириш учун ишлаш тамойили анъанавийлариникидан тубдан фарқ қилувчи, мутлақо янги турдаги асбоблар авлодини яратиш зарурати туғилмоқда. Замонавий микроэлектрониканинг “спинтроника” деб аталувчи янги соҳасида ахборотларни узатиш, қайта ишлаш ва бошқарида электроннинг заряди билан бир қаторда унинг спинидан ҳам фойдаланилади. Спинтрониканинг фаол материал базаси сифатида бир вақтнинг ўзида ҳам ярим ўтказгич ҳам ферромагнит хусусиятли материаллардан фойдаланиш керак бўлади ва бундай хусусиятга эга бўлган кўплаб магнит аралашмали яримўтказгичлар (МАЯ) ва яримўтказгичли бирикмалар синтез қилинган бўлиб, улар турли-туман электрон асбобларда муваффақият билан қўлланилмоқда.

Ҳозирги кунда дунёда ферромагнит хусусиятга эга бўлмаган кремнийни, унга магнит ионларини имплантация қилиш йўли билан киритиб, магнит киришмали ярим ўтказгичга айлантириш долзарб масалалардан бирига айланди. Бунга асосий сабаб, кўплаб бошқа магнит ярим ўтказгичларга нисбатан, кремний таннархининг арзонлиги, олиниш технологиясининг мукамаллиги ва у асосидаги планар технологиянинг яхши йўлга қўйилганлигидир. Шу нуқтаи назардан кремнийни магнит хусусиятга эга аралашмалар билан легирлаш ёрдамида унда ферромагнит ҳолатни ҳосил қилиш, магнит ва магнитотранспорт хоссаларини ўрганиш ва уларнинг шаклланиш механизмларини аниқлаш яримўтказгич материал-шунослигининг муҳим вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси, илмий ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан янги магнит яримўтказгичли материаллар олиш технологиясини яратиш, уларнинг электрофизик, фотоэлектрик, гальваномагнит, магнитотранспорт ҳамда оптик хоссаларини тадқиқ қилишга ва амалиётда қўллашга катта эътибор қаратилмоқда. Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йилида олинган илмий натижаларни ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган даражага олиб чиқиш алоҳида эътиборга сазовор, жумладан, яримўтказгичли материалларда кечаётган физик жараёнлар асосида ишлайдиган асбобларнинг янги авлодини яратиш ва уларни амалиётга татбиқ этиш натижасида, мавжудларидан тубдан фарқ қилувчи, арзон ва тежамкор технологияларни яратиш орқали микро-электроника саноати маҳсулотларининг рақобатбардошлиги ва самарадорлигини ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармо-

нини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 февралдаги ПҚ–2772 -сон «2017–2021 йилларда электротехника саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги Қарорини ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Ушбу диссертация Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг III. «Энергетика, энергоресурс тежамкор, транспорт, машина ва асбобсозлик, замонавий электроника, микроэлектроника, фотоника ва электрон асбобсозлиги» деб номланувчи устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Бугунги кунда монокристаллик кремнийни ионлар имплантацияси усули ёрдамида темирнинг ўтиш гуруҳи элементлари бўлган Fe, Cr, Co, Mn каби аралашмалар ионлари билан легирлаб унда ферромагнит ҳолатни ҳосил қилиш, Кюри нуқтасини хона температурасидан юқорига кўтариш, замонавий яримўтказгичли материал-шуносликнинг долзарб муаммолардан бири бўлиб ҳисобланади. Кремнийга киритилган магнит аралашма ионинг 3d электрон қобигидаги локаллашган электронлар магнит моментлари ҳисобига юқори спинли ҳолатнинг, магнит киришма ионлари орасида алмашинув таъсирлашуви юзага келишлари, ярим ўтказгич матричасида юқори спинли нанокластерлар шаклланиши бўйича кўплаб илмий ишлар қилинган. Киришмали магнит ярим ўтказгичлар назарий ва экспериментал жиҳатдан атоқли олимлар Л. Ж. Гао (Хитой), Б. Кане, Д. Дреюа Р. Вебб, М. Болдук в.б.лар (АҚШ), Ю. Фессбендер (Германия), Э. Л. Нагаев, А. Б. Грановский, С. В. Вонсовкий, А. К. Звездин (Россия), Т. Дэйтл (АҚШ), томонидан ўрганилган. Бугунги кунда кремнийни ионлар имплантацияси усули ёрдамида магнит киришмалар билан легирлаб, ферромагнит ҳолат ҳосил қилиш имкониятлари мавжуд эканлиги аниқланган.

Таъкидлаш керакки, бу соҳанинг ривожланишига Ўзбекистонлик олимлардан, академиклар М.К.Баҳодирхонов, К.М.Мукимов, профессор О.Қ.Қувондиқовлар ҳам катта ҳисса қўшган.

Охирги йиллардаги ўтказилган экспериментал ва назарий тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, марганец билан имплантация қилинган кремнийда хона ҳароратида ферромагнит ҳолатнинг юзага келиши, унда юқори спинли нанокластерларнинг шаклланиши механизмлари тўлиқ аниқланмаган, магнит, магнитотранспорт, фотоэлектрик ва электрофизик хоссалари яхши ўрганилмаган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Самарқанд давлат университети илмий-тадқиқот ишларининг бош илмий мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ионлар имплантацияси усули ёрдамида марганец ионлари билан легирланган, кучли компенсирланган монокристалл кремнийда ферромагнит ҳолатни ҳосил қилиш, юқори спинли магнит

нанокластерлардаги алмашинув ўзаро таъсирлашув табиатини аниқлаш ва уларнинг ток транспортига таъсирини ўрганишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ионлар имплантацияси усули ёрдамида марганец ионлари билан легирланган, кучли компенсирланган  $Si\langle B, Mn \rangle$  намуналарини олиш;

кучли компенсирланган  $Si\langle B, Mn \rangle$  намуналари сиртининг морфологиясини атом куч микроскопида тадқиқ қилиш билан марганец ионлари иштирок этган нанокластерларининг шакли ва ўлчамларини аниқлаш;

кучли компенсирланган  $Si\langle B, Mn \rangle$  намуналарининг магнитланишини тажрибада ўлчаш ва магнитланиш механизмини аниқлаш;

кучли компенсирланган  $Si\langle B, Mn \rangle$  намуналарининг вольт-ампер ва люкс-ампер тавсифномаларини хона ва 80 К ҳароратларда тадқиқ қилиш;

кучли компенсирланган  $Si\langle B, Mn \rangle$  намуналарининг магнит, магнитотранспорт, фотоэлектрик ва электрофизик хоссаларини экспериментал тадқиқ қилиш орқали марганец ионлари имплантация қилинган кремний матрицасида шаклланган юқори спинли нанокластерларнинг ток транспортига таъсирини тушунтирувчи моделни таклиф этиш.

**Тадқиқотнинг объекти** ионлар имплантацияси усули ёрдамида марганец ионлари билан легирланган, кучли компенсирланган монокристалл кремний намуналари.

**Тадқиқотнинг предмети** бўлиб ионлар имплантацияси усулида кремний монокристаллида ферромагнит фазанинг юзага келиши ва текширилган намуналардаги бу ҳолатга ҳамда ток ташувчилар транспортига юқори спинли магнит нанокластерлари таъсири ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.**  $Si\langle B, Mn \rangle$  намуналар сиртини тадқиқ қилиш учун замонавий атом куч микроскопи, магнитланишни ўлчашнинг Фонер усули, вольт-ампер ва люкс-ампер тавсифномалари ҳада магнит қаршилигини ўлчашда эса бундай тадқиқотларда қўлланиладиган стандарт усуллардан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат:

биринчи марта марганец ионлари имплантация қилинган кремнийда таркибида асосан марганец ионларидан ташкил топган нанокластерлар мавжуд бўлган, ферромагнит хоссали, кучли компенсирланган кремний олиш мумкинлиги кўрсатилган;

марганец билан ионли легирланган, кучли компенсирланган  $Si\langle B, Mn \rangle$  намуналарида юқори спинли магнит нанокластерлар ҳосил бўлиши аниқланган;

кучли компенсирланган  $Si\langle B, Mn \rangle$  намуналарида хона ҳароратида ферромагнетизмнинг мавжуд бўлиши аниқланган;

биринчи марта кучли компенсирланган  $Si\langle B, Mn \rangle$  намуналарида магнит нанокластерлар билан боғлиқ бўлган мусбат магнитоқаршилик, магнит қаршилик кинетикаси ва гистерезиси кузатилган;

кучли компенсирланган  $Si\langle B, Mn \rangle$  намуналари ВАТ ва ЛАТларини  $T = 300 \text{ K}$  ва  $T = 80 \text{ K}$  температураларда ўрганиш орқали марганец ионлари

иштирокидаги бу нанокластерларнинг ўлчанган тавсифномаларга таъсири юқори температурали диффузия усули билан олинган намуналарникига қараганда сезиларли фарқ қилиши аниқланган;

кучли компенсирланган  $\text{Si}\langle\text{B},\text{Mn}\rangle$  намуналарида ферромагнитизмга олиб келувчи, кластерлар ичида ва кластерлараро алмашиш ўзаро таъсир модели таклиф қилинган;

**Тадқиқотнинг амалий натижаси бўлиб**, номагнит кремнийга марганец ионлари имплантация қилинганда ва  $T = 1050$  °C температурада 1 соат давомида куйдирилганда ферромагнит ҳолат юзага келиши, бу ҳолат юқори спинли нанокластерлар ичидаги ва кластерлараро алмашинув ўзаро таъсири туфайли эканлиги, марганец билан имплантация қилинган кучли компенсирланган кремний намуналарини эса замонавий спинтроника учун янги фаол материал сифатида таклиф этилганлиги ҳисобланади.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқотда замонавий, текширилган намуналарнинг магнитланиши, ВАТ, ЛАТ ва магнит қаршилигини тадқиқ қилишда ишончли ва илмий тадқиқотларда кенг қўлланиладиган экспериментал текширув усуллари ва қурилмаларнинг қўлланилгани; турли усуллар ёрдамида олинган экспериментал натижаларнинг ўзаро мувофиқ келиши; ўлчаш хатоликлари таҳлили билан; олинган натижаларнинг умумфизик тасаввурлар ва мавжуд адабиётларда келтирилган маълумотларга зид келмаслиги билан тасдиқланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, номагнит кремнийга магнит табиатли киришмалар киритиб унинг магнит хоссаларини бошқариш мумкинлиги, уларда шаклланган марганец ионлари иштирокидаги нанокластерларида юқори спинли ҳолат билвосита алмашинув ўзаро таъсирлашуви оқибатида юзага келиши ҳақидаги тасаввурларни ривожлантирганлиги ҳамда замонавий магнит ярим ўтказгичлар физикаси соҳасидаги билимларини кенгайтирганлигидан иборат.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти, тадқиқотлар натижасида ферромагнит кремний олинганлиги ва уни спинтроникада янги, дискрет ҳамда интеграл элементлар яратишда фаол хом ашё сифатида қўлланилиши мумкинлигидан иборат.

**Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши.** Ионлар имплантацияси усули билан олинган  $\text{Si}\langle\text{B},\text{Mn}\rangle$  намуналарининг сирт морфологиясини ўрганиш ва магнит, магнитотранспорт, фотоэлектрик ҳамда электрофизик хоссаларини тадқиқ қилиш натижасида:

кучли компенсирланган  $\text{Si}\langle\text{B},\text{Mn}\rangle$  намуналаридаги марганец ионларининг юқори спин ҳолати модели II.9.1.3-«Физические свойства нанокрис-таллических и низкоразмерных магнетиков» (2010-2012 й.й.) лойиҳасини бажаришда магнит наноструктуралари спин ҳолати моделини қуришда қўлланилган (Россия ФА Сибирь бўлими Физика институтининг 2017 йил 25 декабрдаги 356-12-215 сонли маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш металл/кремний планар наноструктураларда ўтиш

гурухи металлари силидцидлари магнит хоссалари ва фаза шаклланиши жарёнларини аниқлаш имконини берган;

кучли компенсирланган кремний  $\text{Si}\langle\text{B},\text{Mn}\rangle$  намуналарида магнит нанокластерлар билан боғлиқ бўлган мусбат магнитоқаршилик, магнит қаршилик кинетикаси ва гистерезиси пайдо бўлишига олиб келувчи намуналарни олиш технологияси ва режимлари N06-02-16604 рақамли “Магнитные, магнитотранспортные и магнитооптические свойства разбавленных магнитных полупроводников и мультислоев” (2006-2008 й.й.) лойиҳасини бажаришда имплантация дозасини ва куйдириш режимини танлашда қўлланилган (Москва давлат университетининг 2017 йил 19 декабрдаги маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш  $\text{Si}:\text{Mn}$  намуналарини олиш технологияси режимларини тўғри танлаш имконини берган;

марганец магнит нанокластерларидаги билвосита алмашинув таъсирлашуви мавжудлиги ва назарий модели ҳамда магнитланиш ва магнит кластерлар концентрациялари қийматлари «The project of the Ukrainian State program Nanotechnologies and nanomaterials» лойиҳаси доирасидаги “Research of resonance excitation of evanescent waves in periodic nanostructures made of semiconductors and superconductors” (2010-2014 й.й.) лойиҳасини бажаришда ярим ўтказгичлар ва ўта ўтказгичлардаги даврий наноструктураларда сўнувчи тўлқинларни уйғотиш жараёнини тадқиқ қилишда қўлланилган (Украина ФА Радиоастрономия институтининг 2017 йил 26 декабрдаги 237-687/20-сонли маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланилиши марганецнинг магнит нанокластерлари спин ҳолатининг ва кластер ичидаги алмашинув таъсирлашувининг даврий наноструктураларда сўнувчи тўлқинларни резонансли уйғотишдаги таъсирини аниқлаш ва таҳлил қилиш имконини берган.

$\text{Si}\langle\text{B},\text{Mn}\rangle$  намуналари марганец билан ионли легирланганда юқори спинли магнит нанокластерлар ҳосил бўлиши механизми, магнит қаршилик, аниқланган магнит қаршилик кинетикаси ва гистерезиси ҳамда уларнинг электрофизик ва магнит хоссаларига доир ўлчаш натижалари, ҳамда  $\text{Mn}^{+2}$ ,  $\text{Mn}^{+4}$  типдаги юқори спинли магнит нанокластерлардаги алмашинув таъсирлашувлари моделлари Ф2-ФҚ-0-47339 Ф2-015 рақамли «Квант ўлчамли наноструктуралар физикаси» (2012-2016) фундаментал лойиҳасини бажаришда нанокластерларда сочилиш механизмларини таҳлил қилишда қўлланилган (Ўзбекистон Республика Фан ва технологиялар агентлигининг 2017 йил 7 декабрдаги ФТА – 02-11/1282 - сонли маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши юқори спинли ва катта латерал ютиш юзасига эга бўлган нанокластерли ярим ўтказгичлар олишга ва уларнинг қўлланилиш соҳаларини топишга, нанокластерларнинг ток ташиш характериға таъсири жараёнларини аниқлаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқотнинг асосий натижалари 5 та халқаро ва 7 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларида маъруза қилиниб тегишли муҳокамалардан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация ишининг асосий мазмуни асосан 17 та илмий ишларда чоп қилинган бўлиб, улардан 12 тасини халқаро ва республика миқёсидаги конференция

тезислари, 5 тасини эса Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда чиққан мақолалар ташкил қилади.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати 36 та расм ва 4 та жадваллардан иборат бўлиб, ҳажми 118 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «**Кириш**» қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, республика фан ва технологиялар ривожланишининг асосий устувор йўналишлари билан мослиги, диссертация у бажарилган олий таълим муассасаси ва чет эллик илмий-тадқиқотчилар бажарган илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти, предмети ва тадқиқот усуллари ёритилган. Бундан ташқари диссертация ишининг илмий янгилиги, амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги баён қилинган.

Диссертациянинг «**Таркибида киришмалар нанокластерлари бўлган магнит ярим ўтказгичлар ҳақида назарий ва экспериментал ишлар бўйича адабиётлар шарҳи**» деб аталган биринчи бобда ҳозирги кунда мавжуд бўлган магнит ярим ўтказгичларнинг магнит ва электрофизик хусусиятлари ҳақидаги адабиётлар шарҳи келтирилган. Шунингдек адабиётлар шарҳида таркибида марганец мавжуд бўлган ёки турли усулларда марганец атомлари билан легирланган кремнийнинг электрофизик, оптик ва магнит хоссалари ҳақида ҳам маълумотлар келтирилган.

Тадқиқот мақсади ва кўйилган вазифаларига биноан магнит киришмалардан иборат магнит нанокластерларнинг ярим ўтказгичларнинг магнит хусусиятларига ва магнит қаршилигига таъсири, киришмали ярим ўтказгичлар магнит хоссаларининг шаклланишида билвосита алмашинув таъсирлашувининг роли ва аҳамиятининг назарий ҳамда экспериментал жиҳатлари қараб чиқилган. Адабиётлар шарҳи темирнинг ўтиш гуруҳига мансуб бўлган киришмаларидан ташкил топган юқори спинли марказларга эга ва асосий урғу марганец билан легирланган ярим ўтказгичларни ўрганишга бағишланган мақолаларга қаратилган.

Адабиётлар шарҳидан кўринадики таркибида кластерлар бўлган паст ўлчамли тузилмалар, юпқа пардалар аномал магнит хоссаларга эга бўлишар экан. Бундай аномал хоссаларга гигант ва колосалл магнит қаршилик, металл-изолятор фаза ўтишлари, аномал ва квант Холл эффекти ва ҳ.к.лар мисол бўлади. Барча кўриб чиқилган тузилмаларда магнит ва транспорт хоссаларининг характери киритилган Mn ионлари ёки турли механизмлар билан ўзаро боғланган Mn ионлари тузилмалари белгилайди.

Кремний асосидаги микроэлектрон қурулмалар яратишнинг мукамал технологияси, марганец ионларини имплантация қилиш орқали олинган Si<B,Mn> намуналарини олиш технологияси билан уйғунлаштирилса, бирваракайига иккита вазифани: процессор ва катта ҳажмга эга хотира қурилмаларини битта кристаллда яратиш имкони пайдо бўлади. Маълумки бундан ташқари ионлар имплантацияси натижасида киритилган Mn кремнийда чуқур энергетик сатҳлар ҳосил қилади ва улар ўз навбатида материалнинг генерацион-рекомбинацион хоссаларини кескин ўзгартириб юборади. Шу жиҳатидан ҳосил бўлган бу сатҳлар тўғрисидаги маълумотларни билиш ҳам муҳим ҳисобланади. Биричи бобда қилинган адабиётлар шарҳи асосида қуйидаги мақсад ва вазифалар кўйилди :

ионлар имплантацияси усулида олинган  $\text{Si}\langle\text{B},\text{Mn}\rangle$  намуналарида паст ўлчамли тузилмалар ( $\text{Mn}$  кластерлари ёки  $\text{Mn}$  иштирокидаги комплекслар) мавжудлигини назарий ва экспериментал тадқиқ қилиш;

ионлар имплантацияси усулида олинган  $\text{Si}\langle\text{B},\text{Mn}\rangle$  намуналарида юқори температурали куйдиришдан кейин  $\text{Mn}$  кластерлари концентрацияси ва уларнинг заряд ҳолатини баҳолаш.  $\text{Mn}$  кластерлари ичидаги ҳамда кластерлараро алмашинув ўзаро таъсирлашув характери ва механизмини аниқлаш;

магнит нанокластерларнинг таъсирини ҳисобга олган ҳолда кучли компенсирланган  $\text{Si}\langle\text{B},\text{Mn}\rangle$  намуналарининг электрофизик ва фотоэлектрик хоссаларини (ВАТ ва ЛАТ) назарий тушунтириш;

кучли компенсирланган  $\text{Si}\langle\text{B},\text{Mn}\rangle$  намуналари магнит қаршилигини ўлчаш ва натижаларни таҳлил қилиш;

кучли компенсирланган  $\text{Si}\langle\text{B},\text{Mn}\rangle$  намуналари магнитланишини ўлчаш ва натижаларни таҳлил қилиш;

Диссертациянинг «**Экспериментал қурилмалар, эксперимент методикаси**» деб номланган иккинчи бобида экспериментал тадқиқотларнинг қурилмалари, усуллари ва экспериментал тадқиқот техникаси баёни келтирилган. Қўйилган мақсад ва вазифалар асосида куйидаги эксперимент усуллари ва техникаси танланди: магнитланишни ўлчашнинг Фонер усули, намуналар сирти морфологиясини тадқиқ қилишнинг атом куч микроскопи усули, хона ва 80 К ҳароратларида ВАТ ва ЛАТларини тадқиқ қилиш ҳамда намуналарнинг хона температурасидаги магнит қаршилигини ўлчашнинг стандарт усуллари.

Бу экспериментал тадқиқот усуллари биргаликда ионлар имплантацияси усулида олинган  $\text{Si}\langle\text{B},\text{Mn}\rangle$  намуналарининг магнит, магнитотранспорт, фотоэлектрик ва электрофизик хоссалари тўғрисида тўлиқ маълумот бера олади ва олинган натижалар асосида назарий хулосалар қилиш мумкин.

Кичик ўлчамли структураларнинг мавжудлигини тўғридан тўғри атом куч микроскопида олинган тасвирлардан фойдаланиб аниқлаш мумкин. Уларнинг мавжудлиги билвосита ВАТ, ЛАТ ва магнит қаршилигини ўлчаш натижаларида фойдаланиб аниқлаш мумкин. Номагнит яримўтказгичда магнит нанокластерлари ёки магнит марказлари бор бўлганида намунанинг магнитланганлиги нанокластерлар ёки магнит марказлари магнит моментларининг йиғиндисидан иборат бўлганлиги боис, магнитланганликни ўлчаш учун сезгир бўлган вибрацион магнитометр методи танланди.

Бу бобда тажрибалар усули ва техникаси ҳақида батафсил маълумот берилган.

Диссертациянинг учинчи боби «**Кучли компенсирланган  $\text{Si}\langle\text{B},\text{Mn}\rangle$  намуналарининг магнит хоссалари**» деб аталиб, унда  $\text{Mn}$  билан ионли легирланниб олинган кучли компенсирланган  $\text{Si}\langle\text{B},\text{Mn}\rangle$  намуналарининг магнит хоссалари ва бу хоссаларнинг юзага келиш механизмлари тадқиқоти натижалари баён қилинган.

Солиштирма қаршилиги  $\rho = 10$  Ом·см бўлган  $p$ -типли кремний пластинасига марганец ионлари ИЛУ-3 қурилмасида 40 кэВ энергия билан ва

$\sim 10^{16} \div 10^{17}$  ион/см<sup>2</sup> дозада оралиғида имплантация қилинди. Пластиналардан ўлчамлари  $5 \times 3 \times 0,5$  мм<sup>3</sup> бўлган намуналар қирқиб олинди ва кварц ампулаларда  $1000^\circ - 1200^\circ\text{C}$  ҳарорат оралиғида бир соат давомида куйдирилди. Намуналарни совутиш уларни совуқ сувга ёки трансформатор ёғига  $\sim (600-800)^\circ\text{C}/\text{с}$  совутиш тезлиги билан ташлаш орқали амалга оширилди. Юқоридаги усул хона ҳароратида ҳам  $n$  – типли, ҳам  $p$  - типли, солиштира қаршилиги  $\rho = 10^2 \div 10^5$  Ом см оралиғида бўлган кучли компенсирланган Si<B,Mn> намуналарини олиш имконини берди.


Марганец асосидаги нанокластерлар ҳосил бўлиши имкониятларини текшириш учун келтирилган усул<sup>1</sup> ёрдамида назарий ҳисоблашлар ўтказилди. Назарий ҳисоблашлар йўли билан икки ва ундан ортиқ киришма атомлардан ташкил топган нанокластерлар сонининг киришма атомлари коцентрациясига боғлиқлиги аниқланган. Кремнийда нанокластерлар пайдо бўлиши учун имплантация дозаси  $\sim 10^{16}$  ион/см<sup>2</sup> дан юқори бўлиши керак. Ионлар имплантацияси ёрдамида нанокластерлар шаклланиши учун зарур бўлган имплантация дозасининг оралиқ қийматлари аниқланган. Кремний монокристаллининг турли координатсион сферларида жойлашган ва билвосита алмашинув ўзаро таъсирлашуви билан боғланган магнит нанокластерлари модели таклиф қилинган.

Атом куч микроскопи билан олинган тасвирлар (1-расм) орқали намуналарда ўлчамлари 5-20 нм тартибдаги бўлган, марганецнинг аралашма атомларидан таркиб топган, бир-бирлари билан билвосита ўзаро таъсирлашадиган, пирамидасимон нанокластерлар шаклланиши исбот қилинган. 1а, б, в–расмда кремний монокристалли сиртининг имплантацияга қадар ва ундан кейинги ҳолати морфологиясининг тасвири келтирилган. 1а–расмдан кўринадики намуналар сирти имплантациядан олдин тоза ва имплантация дозаси  $10^{16}$  ион/см<sup>2</sup> га етгандан бошлаб нанокластерлар шакллана бошлайди (1б-расмдаги оролчалар), имплантация дозаси  $\sim 10^{17}$  ион/см<sup>2</sup> етганда эса кластерлар узунлиги орта бошлайди ва эни  $\sim 20$  нм га етади ва кремний монокристалли сиртида тўлқинсимон наноструктура шаклланади (1в-расм).

Кучли компенсирланган Si<B,Mn> намуналарида марганецнинг магнит нанокластерлари билан юзага келган ферромагнетизмнинг мавжудлиги назарий асосланган ва экспериментда исботланган. Хона температурасида кучли компенсирланган Si<B,Mn> намуналаридаги магнитланишни тадқиқ қилиш, уларда магнитланишнинг тўйиниши ва гистерезиси борлигини кўрсатди (2–расмга қаранг). 2–расмдан кўришиб турибдики, текширилган намуналарда магнитланишнинг тўйиниши, магнит майдони индукциясининг 750 мТл тенг бўлган қийматида юз беради ва унинг қиймати  $4 \times 10^{-3}$  emu/g ( $A \times m^2/kg$ ) га тенг. Бундан ташқари магнитлашнинг сезиларли гистерезиси кузатилади ва у фақат ферромагнит моддаларга хос. Кучли компенсирланган Si<B,Mn> намуналарида хона температурасида


<sup>1</sup> В. Б. Гиноман. Труды физического института им. П.Н. Лебедева АН СССР. –Москва. 1978. Т. 104. с.54.

магнитланишнинг тўйиниши ва унинг сезиларли гистерезиси бу намуналарнинг ферромагнит хоссага эканлигини исботлайди. Магнитланишнинг кузатилган сезиларли кинетикаси, нанокластерлар магнит моментларининг магнит майдони таъсирида тартибланиши ва иссиқлик таъсирида тартибсизланиши ўртасида рақобат борлигидан далолат беради. Текширилаётган намуналарни 10 минут давомида индукцияси 1 Тл (10 кОе) бўлган магнит майдонида ушлаб туриш улар магнитланиши қийматининг 25% дан кўпроққа ошишига олиб келади. Магнит майдон кучланганлиги қиймати  $H > 10$  кОе бўлган майдонларда кластер ичидаги ўзаро таъсир характерининг, структура ўзгаришлари ёки электронлар локализация даражасининг ошиши билан боғлиқ ўзгаришлари юз беради. Кучли компенсирланган Si<B,Mn> намуналаридаги ферромагнетизм табиати асосан марганец ионлари бўлган юқори спинли кластерлар ўртасидаги билвосита ўзаро таъсир билан боғланган.



(а) –  $Mn^{+}$  ионлари имплантациясидан олдин, (б) – имплантация дозаси  $D = 10^{16} \text{ см}^{-2}$ , (в) – имплантация дозаси  $D = 10^{17} \text{ см}^{-2}$  бўлганда,  $E = 40$  кэВ.

**1-расм. Атом куч микроскопида олинган Si<B,Mn> намуналари сирт морфологияси**



**2-расм. Si<B,Mn> намуналари магнитланишининг магнит майдонига боғлиқлиги**

Кучли компенсирланган кремний Si<B,Mn> намуналаридаги кластерлар таркиби асосан  $Mn^{2+}$ ,  $Mn^{3+}$ ,  $Mn^{4+}$  ионларлардан иборат. Киришмалар концентрацияси  $N_D=5 \cdot 10^{17} \div 2 \cdot 10^{18} \text{ см}^{-3}$  бўлганда алмашинув таъсирлашувининг жуфт моделини қўллаб бўлмайди, чунки бундай концентрацияларда кластерлар ухта ва ундан кўп сондаги киришма атомлардан иборат бўлади. Бундан ташқари марганец ионининг 3d қобиғида бешта электрон бўлиб, уларнинг спинлари бир томонга йўналган ва у кремний матрицасида ҳам юқори спинли ҳолатнинг ҳосил бўлишига омил бўлади. Кремний матрицасидаги тўғридан тўғри алмашинув таъсирлашувга эга бўлган марганец киришмалар жуфти концентрацияси жуда кичик ва магнитланишга қўшадиган хиссаси жуда кам. Бундан, намуналардаги марганец ионларининг ферромагнит ҳолатга олиб келадиган примитив кластернинг умумий кўриниши, Зинернинг қўш алмашинув моделига кўра ферромагнит ҳолатни юзага келтирувчи,  $M^{3+}-O^{2-}-M^{4+}$  бўлган комплекслардан таркиб топган<sup>2</sup> деб хулоса қилиш мумкин. Бунда Si<B,Mn> намуналарида анион сифатидаги кислород ионлари ( $O^{2-}$ ) ўрнига концентрацияси  $10^{15} \text{ см}^{-3}$  бўлган бор ( $B^-$ ) ионлари ҳам бўлиши

<sup>2</sup> Л. И. Королева. Магнитные полупроводники. –М.: Физический факультет МГУ, 2003. –313 с. см.с 236.

мумкин, лекин бор ( $V^-$ ) ионлари концентрацияси кислород конценрациясидан  $10^3$  тартибга кам бўлгани учун алмашинув таъсирлашувида кислороднинг роли асосий бўлади деб ҳисоблаш мумкин. Чохралский усулида ўстирилган кремнийда, одатда концентрацияси  $10^{18} \text{ см}^{-3}$  кислород мавжуд бўлиши бунга замин бўлади.

Олинган натижалар асосида, ўрганилган нанокластерлар юқори спинли магнит кластерлари эканлигини ва юқори спинли ҳолатни уларни ташкил қилган марганец ионлари орасидаги Зинернинг қўш алмашинув моделига кўра алмашинув ўзаро таъсирлашуви ҳосил қилади деб айтиш мумкин. Аммо, бу намунада макроскопик ферромагнит ҳолатни юзага келтириш учун етарли эмас. Бундай ҳолат юзага келиши учун фақат кластерлар ичида эмас балки кластерлар орасида ҳам алмашинув ўзаро таъсирлашуви мавжуд бўлиши ва бу ўзаро таъсир бутун намунанинг ферромагнит ҳолатида бўлишини таъминлаши керак.

Кластерлараро алмашиш ўзаро таъсир табиати РККИ (Рудерман - Киттел - Касуя - Иосида) модели билан тушунтирилиши мумкин. Бу моделда ўтказувчанлик электронлари (s-электронлар) ва локаллашган электронлардан (d(f)-электронлар) иборат коллективлашган иккита тизим қаралади. Бу тизим учун гамильтониан қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$H = H_M + H_A + H_B$$

бу ерда  $H_M$  — магнит тизим гамильтониани (одатда гейзенбергча кўринишда берилади  $H_M = J_{ij} S_i S_j$ ; бу ерда  $J_{ij}$  —  $i$ -чи ва  $j$  —чи атомлар учун алмашинув интегралли,  $S_i$ ,  $S_j$  — мос спин операторлари),  $H_A$  — ўтказувчанлик электронлари ва магнит ионлари спинлари орасидаги алмашинувни тавсифловчи гамильтониан,  $H_B$  — ҳаракатчан заряд ташувчилар (электронлар, коваклар) гамильтониани.


Шундай қилиб, тадқиқотларимиз, кластерлараро таъсирлашувни тавсифлаш учун  $H_A$  гамильтониандан фойдаланиш мақсадга мувофиқлигини кўрсатади.

Диссертациянинг тўртинчи боби «**Магнит нанокластерли кучли компенсирланган Si<V,Mn> намуналарининг кинетик хоссалари (ВАТ ва ЛАТ)**» деб аталиб, бу бобда тадқиқот объектининг кинетик хоссалари айнан, вольт-ампер, люкс-ампер тавсифномалари ва магнит қаршилигини тадқиқ қилиш натижалари келтирилган. Si<V,Mn> намуналарининг бу физик хоссалари намуналарда квант нуқталар борлиги ҳақида фундаментал маълумотларни бериши, балки уларнинг амалиётда қўлланилиш соҳасини белгилаши керак.

Кинетик хоссалар табиатини белгилаб берувчи вольт-ампер, люкс-ампер тавсифномалар ва магнит қаршилиқнинг пайдо бўлишини эркин заряд ташувчилар транспортига магнит нанокластерларнинг таъсири билан тушунтирилган.

3-расмда суюқ азот ҳароратида олинган ВАТ оиласи келтирилган. 3-расмдан кўринадикки ВАТ чуқур энергетик сатҳ ҳосил қилувчи киришмалар киритилган яримўтказгич намуналар учун хос бўлган,  $I=U^n$  боғланишга эга бўлган бир нечта характерли соҳалардан иборат. Қоронғулик ВАТнинг

кўриниши ярим ўтказгичга тушаётган ёруғлик интенсивлигининг ўзгариши билан сезиларли ўзгаради ва бунга заряд ташувчиларни ютиш латерал юзасига катта бўлган марказлар (нанокластерлар) мавжудлиги сабаб бўлади. Уларнинг ёруғлик ва температура таъсирида қайта зарядлашуви ВАТ кўриниши ҳамда ток транспортига сезиларли таъсир кўрсатади.




**3-расм. Si<B,Mn> намуналарининг 80 К ҳароратда, турли интеграл ёруғлик интенсивлигидаги ВАТси**


Марганец ионлари билан имплантация қилинган кремний намуналари магнит қаршилигини ўрганиш бўйича тажриба натижалари 4–расмда келтирилган. Расмдан кўринадикки, ўрганилган намуналарнинг хона температурасидаги магнит қаршилиги мусбат бўлиб, экспериментда эришилган энг катта магнит индукцияси қийматида 15% ни ташкил қилади. Бундан ташқари текширилаётган намуналарда хона температурасида магнит қаршилик қийматининг кинетикаси ҳам кузатилади (5-расм).

Кучсиз магнит майдонларида ( $H \approx 0,7$  kOe) намуна 45 минут давомида магнит майдонида ушлаб турилганида магнит қаршилик 25% гача ортади ва унинг магнит майдонига йўналишига боғлиқлигида сезиларли гистерезис кузатилади.

Кучли компенсирланган Si<B,Mn> намуналарида ферромагнетизмнинг пайдо бўлишига кластер ичида марганец ионларининг бор ионлари ёки технологик киришмалар орқали билвосита алмашинув ўзаро таъсири сабабчидир.



4-расм. Si<B,Mn> намуналари магнит қаршилигининг магнит майдон индукциясига боғлиқлиги



5-расм. Ҳона ҳароратида Si<B,Mn> намуналари магнит қаршилиги кинетикаси

Шу билан бирга ўтказувчанлик зонасидаги заряд ташувчилар ёки кристалл дефектлари орқали амалаг ошадиган кластерлараро билвосита алмашинув таъсирлашуви ҳам мавжуд бўлиб, у ҳам магнит тартибланишга олиб келиши мумкин.

Аномал катта магнит қаршиликнинг юзага келиши айнан юқори спинли магнит нанокластерлар мавжудлиги билан тушунтирилади. Магнит қаршилик кинетикасининг кузатилиши яқин тартибли кластерлараро таъсирлашув мавжудлигини билдиради.

## ХУЛОСА

Ионлар имплантацияси усулида олинган кучли компенсирланган кремний намуналарининг магнит, магнитотранспорт, фотоэлектрик ва электрофизик хоссаларини тадқиқ қилиш натижалари асосида қуйидаги хулосалар қилинди:

1. Биринчилардан бўлиб, марганец ионлари имплантация қилиниб кучли компенсирланган, марганец киришмалари бор бўлган ферромагнит кремний намуналарини олиш имкони борлиги кўрсатилган.
2. Кремний монокристалли ичида марганец ионлари бор бўлган нанокластерлар структураси ўрганилиб уларнинг ўлчамлари 5-20 нм гача етиши ва бу нанокластерлар таркибида  $Mn^{2+}$ ,  $Mn^{4+}$  ионлари мавжуд бўлиши, бу ионларнинг кластер ичидаги билвосита алмашинув ўзаро таъсири нанокластерларнинг юқори спинга эга бўлишига сабабчи бўлиши аниқланган.
3. Ионлар имплантацияси усули ёрдамида олинган  $Si\langle B, Mn \rangle$  намуналарида хона ҳароратида 25% миқдорида мусбат магнит қаршилик кузатилди. Бундан ташқари магнит қаршилик катталигининг вақтга боғлиқлиги (кинетикаси) мавжудлиги аниқланган ва уларга асосий сабаб заряд ташувчиларнинг марганецнинг юқори спинли магнит нанокластерларидан спинга боғлиқ сочилиши бўлиб ҳисобланади. Мусбат магнит қаршиликнинг тажрибаларда кузатилган вақтга боғлиқлик кинетикаси эса марганецнинг юқори спинли магнит нанокластерлари магнит моментлари ориентациясининг иссиқлик майдони томонидан тартибсизланиши ва ташқи магнит майдони томонидан тартибланиши орасидаги рақобат таъсирида эканлиги кўрсатади.
4. Биринчи бўлиб кучли компенсирланган  $Si\langle B, Mn \rangle$  намуналарида таркиби Mn ионларидан ташкил топган, алмашинув ўзаро таъсирлашуви билан боғланган, юқори спинли нанокластерларнинг ток транспортига таъсир қилиши кўрсатилган.
5. Биринчи бўлиб, кучли компенсирланган  $Si\langle B, Mn \rangle$  намуналарида хона ҳароратида ферромагнит фаза мавжудлиги аниқланди.

6. Ионлар имплантацияси билан олинган кучли компенсирланган Si<B,Mn> намуналаридаги нанокластерлар Mn<sup>2+</sup>, Mn<sup>4+</sup> ионларнинг билвосита алмашинув ўзаро таъсирлашуви билан боғланганлиги, юқори спинли магнит нанокластерларининг тадқиқ қилинган намуналардаги ферромагнит ҳолатга жавобгарлиги кўрсатилган.
7. Ионлар имплантацияси ёрдамида ўтиш гуруҳи металлари билан кучли компенсирланган ҳолатгача кремнийни легирлаш унда ферромагнит ҳолатнинг пайдо бўлишига олиб келиши ва бу кучли компенсирланган Si<B,Mn> намуналарини спин транзисторлар ёки спинтрониканинг дискрет элементлари учун янги материал сифатида тавсия қилиш мумкинлиги кўрсатилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.29.08.2017.FM02.04 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПРИ САМАРКАНДСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**  

---

**САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**РУЗИМУРОДОВ ЖАЛОЛ ТУРАБЕКОВИЧ**

**МАГНИТНЫЕ И ТРАНСПОРТНЫЕ СВОЙСТВА КРЕМНИЯ  
ИОННО ИМПЛАНТИРОВАННОГО МАРГАНЦЕМ**

**01.04.09 – Физика магнитных явлений**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Самарканд – 2018**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № VM2017.2.PhD/FM75**

Диссертация выполнена в Самаркандском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.samdu.uz](http://www.samdu.uz)) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

**Научный руководитель:**

**Кувандиков Облокул**

доктор физико-математических наук,  
профессор

**Официальные оппоненты:**

**Мукимов Камил Мукимович**

доктор физико-математических наук,  
академик

**Ўсаров Ўктам Туратович**

кандидат физико-математических наук,  
доцент

**Ведущая организация:**

**Ташкентский государственный  
технический университет**

Защита диссертации состоится «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 г. в \_\_\_\_\_ часов на заседании ученого совета PhD.29.08.2017.FM02.04 при Самаркандском государственном университете. (Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский бульвар, 15. Тел.: (99866) 239-13-87, 239-11-40; факс: (99866) 239-11-40; e-mail: rektor@samdu.uz, Самаркандский государственный университет, Физический факультет, 1-этаж, 63-аудитория).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета (зарегистрирована под №\_\_\_). Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский бульвар, 15. Тел.: (99866) 239-13-87, 239-11-40; факс: (99866) 239-11-40.

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 года (протокол реестра № \_\_\_ от «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 года).

**Ашуров Мухсинжон Хуррамович**

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, д.ф.н., академик

**Ражабов Рустам Мустафиевич**

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, к.ф.н.

**Семенов Денис Иванович**

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.ф.н.

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Сегодняшний интенсивный технический прогресс во всём мире требует создание новых технических средств, которые могут быстро передавать, хранить и обрабатывать большие объемы информации. Для удовлетворения этих потребностей необходимо создать новое поколение приборов, принцип работы которых должен принципиально отличаться от существующих. В новой отрасли микроэлектроники, известной как «спинтроника» для передачи, переработки и хранения информации наряду с зарядом электрона используется его спин. В качестве активной материальной базы спинтроники необходимо использовать материалы имеющие одновременно как с полупроводниковые так и ферромагнитные свойства. На сегодняшний день синтезировано множество разбавленных магнитных полупроводников (РМП) и полупроводниковых соединений с такими свойствами, которые успешно используются в различных электронных устройствах.

В настоящее время во всем мире одним из актуальных вопросов является получение ферромагнитного кремния из немагнитного путём имплантации магнитных ионов. Основными причинами этого являются, низкая стоимость кремния по сравнению с другими магнитными полупроводниками, достигшее своего совершенствования технология получения и превосходная планарная технология создания интегральных приборов. В связи с этим одной из важнейших задач полупроводникового материаловедения является формирование ферромагнитных свойств в кремнии путем легирования его магнитными примесями, изучение магнитных и магнитотранспортных свойств.

В соответствии со Стратегией действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан, наиболее важным является обратить особое внимание на разработку эффективных механизмов внедрения достижений научных исследований. В частности, особое внимание выделяется на создание технологии получения новых магнитных полупроводников, исследование электрофизических, фотоэлектрических, магнитных и магнитотранспортных а также оптических свойств и применения их на практике. В год поддержки инновационных идей и технологий, активного предпринимателя поднятие на современный уровень полученных научных результатов. В частности, повышение конкурентоспособности и эффективности изделий микроэлектронной промышленности созданием дешевых, экономичных и принципиально отличающихся от существующих технологий, на основе физических явлений наблюдаемых в магнитных полупроводниковых материалах.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Постановлении Президента Республики Узбекистан №-УП-4947 «О мерах по дальнейшей реализации Стратегии действий по развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 годах» от 7 февраля 2017 года и в Постановлении Президента Республики

Узбекистан ПК-№2772 от 13 февраля 2017 года «О приоритетных направлениях развития электронной промышленности 2017-2021 годах» а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Диссертация выполнена в рамках приоритетных направлений развития науки и технологий Республики Узбекистан III. «Энергетика, энергоресурс сбережение, транспорт, машино- и приборостроение; развитие современной электроники, микроэлектроники, фотоники, электронного приборостроения».

